

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САИДОВ ИКРОМ КОКИЛОВИЧ**

**ЖИГАР ЦИРРОЗИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА  
ЛАПАРОСКОПИК ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯ ТАКТИКАСИНИНГ  
ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Саидов Икром Кокилович**

Жигар циррози билан касалланган беморларда лапароскопик  
холецистэктомия тактикасининг ўзига хослиги ..... 3

**Саидов Икром Кокилович**

Особенности тактики лапароскопической холецистэктомии у больных  
циррозом печени..... 27

**Saidov Ikrom Kokilovich**

Features of laparoscopic cholecystectomy in patients with liver cirrhosis..... 49

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Lists of published works ..... 53

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САИДОВ ИКРОМ КОКИЛОВИЧ**

**ЖИГАР ЦИРРОЗИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА  
ЛАПАРОСКОПИК ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯ ТАКТИКАСИНИНГ  
ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО - 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.4.PhD/Tib2304 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар**

**Ўроқов Шухрат Тўхтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Хамдамов Бахтиёр Зарифович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Акбаров Миршавкат Миролимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**А.М. Гранов номидаги Россия радиология ва жаррохлик технологиялари илмий маркази (Россия федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2023.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Казакова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD) доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳозирги даврга қадар ўт тош касаллиги (ЎТК) ва унинг асорати холедохолитиаз гепатобилиар тизим касалликлари таркибида етакчи ўринни эгаллайди. Ўткир холецистит ва ўт тошлари билан боғлиқ баъзи муаммоли ҳолатлар, масалан, «...умумий ўт йўлларига тикилиб қолган тошлар, холангит ва ўткир панкреатит, кундалик амалиётда кенг тарқалган касалликлардир...»<sup>1</sup>. Сурункали жигарнинг диффуз касалликлари (СЖДК) ҳозирги вақтда кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, нафақат сурункали жигар дисфункциясининг ҳолатини тавсифлайди, балки беморларда тизимли таъсирга ҳам эга. СЖДК билан касалланган одамларда бир нечта мойиллик туғдирувчи омиллар, шу жумладан ўт суюқлиги таркибидаги ўт кислоталаридаги ўзгаришлар, ўт суюқлигининг нуклеациясининг ошиши, ўт пуфагининг ҳаракатчанлигининг пасайиши, ўт тошларининг шаклланишига ва симптоматик холелитиазнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида жарроҳлик усулида даволаш учун кўрсатмалар сонини оширади.

Жаҳон тиббиётида бугунги кунда жигар функцияси бузилмаган беморларга қараганда, бирламчи жигар патологияси бўлган беморларда холелитиаз 4 – 5,5 марта кўпроқ учрайди. Бу литоген ўт синтезининг бузилиши, ўт пуфаги ва ўт йўллариининг ҳаракат функциясининг бузилиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, ЎТК нинг узок муддат давомида мавжудлиги, айниқса холедохолитиаз ва ўт йўллари гипертензияси мавжуд бўлганда, жигарнинг диффуз шикастланишига олиб келиши мумкин ва бу ҳолатлар операциядан кейинги даврда, жигар етишмовчилигининг ривожланиш хавфини юқори бўлишига олиб келади. Олимларнинг фикрича «...СЖДК мавжудлиги фонида ўт пуфаги ва ўт йўлларида жарроҳлик аралашувлар техник жиҳатдан мураккаблиги таъкидланган...»<sup>2</sup>. Юқоридагиларга асосланиб, ушбу беморларда асоратлар ривожланишидан олдин, СЖДКни эрта аниқлаш муаммосининг долзарблигига ишора қилади, бу эса ўз навбатида жигарнинг репаратив регенерациясини рағбатлантиришга, кўрсатмалар бўлганда гепатотроп ва антиоксидант препаратлардан фойдаланишни талаб қилади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, шунингдек, тиббиёт тизимининг жаҳон стандартлари талабларига мувофиқлиги, хусусан, жарроҳлик касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. «...Мамлакатимизда тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллариини жорий этиш, патронаж хизматларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва

<sup>1</sup> Назыров Ф.Г., Акилов Х.А., Девятое А.В., Ураков Ш.Т. Особенности течения, клинических проявлений и тактики хирургического лечения осложненной желчнокаменной болезни при циррозе печени // *Анналы хирургии.* - 2001. - № 2. - С. 68 - 70.

<sup>2</sup> Копылов В.В. и др. Оценка эффективности различных вариантов хирургической тактики при остром холецистите у больных пожилого и старческого возраста с позиций изучения отдаленных результатов // *В мире научных открытий.* 2015 № 7 (67). С. 44-59

касалликларнинг олдини олиш...»<sup>3</sup> каби вазифалар касалликнинг асоратларидан ногиронлик ва ўлимни сезиларли даражада камайтиради, касалликларни эрта ва ишончли ташхислаш ва даволаш профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш замонавий жарроҳлик мактабини яратиш, даволаш тадқиқот усулларидан фойдаланиш, самарадорликни ошириш орқали аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилайти.

Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг 7 та устувор йўналишининг 56- мақсад, 4-қисмида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...» бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЎТК билан касалланишнинг кўпайиши унинг асоратларининг кўпайиши билан бирга келади (Андреев Г.Н., ва ҳаммуал. 2018, Chang-Hwan, P. 2020). Асоратланмаган ЎТК нинг гепатобилиар морфологик касалликларнинг ривожланишига таъсири ҳақида қарама-қарши фикрлар мавжуд. Баъзи муаллифлар ЎТК га чалинган барча беморларда жигарда таркибий ўзгаришларни топса, бошқалар эса холестаз сабабли холангит бўлишини таъкидлашади. Аксарият муаллифларнинг таъкидлашича, холецистэктомиядан сўнг жигарда патологик жараёнлар прогрессив ривожланишини таъкидлашади (N.Gulla et al. 2021). Муаллифларнинг таъкидлашича, ЎТК ги билан касалланган барча беморлар сурункали гепатит ривожланишига сабаб бўлади (Р.Б. Мумладзе ва ҳаммуал., 2019).

ЎТК да кўп ҳолларда патологик жараёнда жигар паренхимаси, жигар ичи ва жигардан ташқари ўт йўллари иштирок этади, бу эса ўз навбатида ўзига хос бўлмаган реактив гепатит ривожланишига олиб келиши мумкин, бу ўтнинг физик ва кимёвий таркибининг бузилиши билан бирга келади, холестатик ва цирротик ўзгаришлар, уларнинг оғирлашишида, асосий касалликнинг давомийлиги ва кучайиши билан корреляцион боғлиқликни кўрсатади (Емельянов С.И. ва ҳаммуал., 2020, О.Г.Коновалова ва ҳаммуал., 2021). Аксарият муаллифлар, гепатоцитлар ултраструктурасининг бузилишини тош шаклланишининг патогенетик омили сифатида таклиф қилишади (Ю.Л. Шевченко ва ҳаммуал., 2018).

Ўт пуфаги ва жигарнинг анатомик ва физиологик ўзаро алоқаси улардаги патологик жараёнда иштирок этишига олиб келади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жигарда морфологик ўзгаришлар ЎТК билан касалланган беморларнинг 91-92% да кузатилади. ЎТК билан касалланганларнинг морфологик текширувлари шуни кўрсатадики, жигарнинг ёғли дистрофияси билан 25-50%, персистирловчи гепатит билан 18-27.3% ва уларнинг аралаш дистрофияси келиши 14,3-15,6% ни ташкил қилган (О.Г.Коновалова ва ҳаммуал., 2021). Беморларнинг 88% да яллиғланишли, фиброз ва дегенератив ўзгаришлар аниқланади ва билиар циррознинг частотаси 4% га етиши мумкин (Б.К.Шуркалин, ва бошқ., 2019).

Шуни таъкидлаш керакки, ЎТК нинг узок муддат ривожланиши унинг мураккаб шакллари ривожланиши ва жигарда морфологик ўзгаришларнинг мавжудлиги, беморларнинг кекса ва қари ёшдаги беморларни жарроҳлик даволаш натижаларига сезиларли нонуя таъсир кўрсатади. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ушбу гуруҳ беморларида операциядан кейинги ўлим 18,5-20% ташкил қилиб, жигар патологияси бўлмаган беморларда 0,9-1,3% даражада юзага келади (Б.К.Шуркалин, ва ҳаммуал., 2022).

Ўткир ва сурункали тошли холециститни даволашда эндовидеохирургиянинг катта муваффақиятларига қарамасдан, кўплаб муаллифлар қаттиқ инфилтрат, чандикланган ўт пуфаги, холецистохоледохеал ва холецистодигестив оқмалар, жигар циррози ва бошқалар каби мураккаб вазиятларни аниқлайдилар (Ерамишанцев А.К., ва ҳаммуал., 2020, N Gupta, et al. 2021). Бу ўт пуфагини "очиқ" олиб ташлаш фойдасига эндовидеожарроҳликдан воз кечишни талаб қиладиган анча юқори асорат даражаси билан боғлиқ (П.М. Назаренко ва ҳаммуал., 2019). Шу билан бирга, ушбу беморларда "очиқ" холецистэктомия "очиқ" аралашувнинг юқори травматик табиати туфайли лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭК) билан солиштирганда асоратлар ва ўлимларнинг сезиларли даражада юқори даражаси, травматиклик билан боғлиқлигини кўрсатади (Ветшев, П.С., 2018, P-N. Zhou et al., 2019).

Операциядан кейинги даврнинг кечиши, айниқса, сурункали вирусли гепатит "В", "С" ва жигар циррози билан оғриган беморлар орасида олдиндан

айтиб бўлмайдиган ҳолатларга олиб келади. Ушбу касалликларга хос бўлган яширин жигар етишмовчилиги, беморнинг аҳволи оғирлигини ёмонлаштиради ва операциядан кейинги ўлим даражаси юқорилиги (34% гача) билан тавсифланади (К. Но-Seok et al., 2018, Vanessa L., 2020). Ўт пуфаги бўйинчасининг мураккаб анатомик тузилмалари, ишончсиз гемостаз, жигардан ташқари ўт йўллари ятрогениясининг юқори хавфлилиги, СЖДК фониди операция пайтида тиббиёт ходимларининг юқтириш хавфи олдини олиш, интра ва операциядан кейинги асоратларни олдини олиш мақсадида оптимал вариантларни излашни талаб қилади.

Юқорида келтирилган ҳолатлар, операциядан кейинги ривожланадиган асоратларни олдини олиш учун, СЖДК ни эрта аниқлашнинг, ташхислашнинг долзарблигига ишора қилади, бу гепатотроп препаратларини эрта ишлатиш ва ўтказиладиган оператив даволаш усулларининг иложи борича кам травматик ва миниинвазив йўллар билан бажариш муаммоларини ҳал қилишни талаб қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2023.PhD.177) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш» (2022-2026 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали жигар диффуз касалликлари фониди ривожланган ўткир холециститнинг жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

асосий ва назорат гуруҳларида сурункали жигарнинг диффуз касалликлари фониди ўткир тошли холециститни жарроҳлик даволаш натижаларини қиёсий баҳолаш;

сурункали жигарнинг диффуз касалликлари фониди ўткир тошли холецистит ташхисоти ва даволашда замонавий инструментал тадқиқот усулларининг самарадорлигини баҳолаш;

сурункали жигар диффуз касалликлари фониди ўткир тошли холецистит бўлган беморларда ультратовуш назорати остида ўт пуфагини декомпрессия қилиш самарадорлигини баҳолаш;

олинган маълумотлар асосида, сурункали жигар диффуз касалликлари фониди ривожланган ўткир тошли холецистит билан беморларни даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш;

операциядан кейинги даврда сурункали жигар диффуз касалликлари фониди ўткир тошли холецистит бўлган беморларда Ремаксол ва Глутатион билан комплекс даволашнинг клиник ва лаборатор самарадорлигини аниқлаш ва дифференцирланган жарроҳлик тактикаси тамойилларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2015-2022 йиллар давомида

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг шошилинч хирургия бўлимлари ва эндоскопия хонасига сурункали жигарнинг диффуз касаллиги фонида, ўт тош касаллиги, холедохолитиаз, МС ва бошқа асоратлар билан даволанган 177 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқот предмети** беморларда сурункали жигарнинг диффуз касалликлари фонида ўт тош касаллиги ва унинг асоратлари ривожланганлигида, жарроҳликнинг инструментал ва методологик нуқтаи назардан замонавий миниинвазив ташҳислаш ва даволаш усуллари қўллаш натижалари ўрганилган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги текширув усуллари: клиник, клиник-лабаратор, инструментал ултратовуш текшируви (УТТ), магнит резонанс панкреатохолангиография (МРПХГ), тери жигар орқали ўт пуфаги пункцияси ва стомияси (ТЖЎПП, ТЖЎПС), фиброгастроуденоскопия (ФГДС), эндоскопик ретроград панкреатохолангиография (ЭРПХГ), эндоскопик папиллосфинктеротомия (ЭПСТ), литоэкстракция (ЛЭ) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

сурункали жигар диффуз касалликлари хусусан жигар циррозининг функционал бузилишлар фонида ривожланган ўткир тошли холецистит ва унинг асоратларини даволашда, замонавий ташҳисот ва миниинвазив усуллардан ҳисобланган, тери жигар орқали ўт пуфагини пункцияси ва тери жигар орқали ўт пуфаги стомиясидан фойдаланиш, оғир ҳолатдаги беморларни кечиктирилган ҳолда оператив даволаш, асоратлар ва ўлим кўрсаткичларни камайиши илмий асосланган.

сурункали жигар диффуз касалликлари ўткир тошли холецистит билан келган ҳолатларда операциядан олдинги тайёргарлик комплекс даволашга қўшимча равишда Ремаксол ва Глутатион препаратларнинг ишлатилиши интраоперацион ва операциядан кейинги даврда асоратларнинг камайиши кўрсатилган.

жигар сурункали диффуз касалликлари айниқса жигар циррози билан касалланган беморлар текшириш режасига магнит резонанс панкреатохолангиография (МРПХГ) киритилиши, ултратовуш текшируви орқали илгари аниқланмаган яъни, беморларда операциядан олдинги даврда кўпроқ жигардаги ўзгаришларни ва ўт йўлларида ўт тошларини аниқлади ва операциядан олдинги тайёргарликни режалаштириш имкониятини берган.

сурункали жигар диффуз касалликлари ўткир тошли холецистит билан келган ҳолатларда беморларда лапароскопик холецистэктомияда ултратовушли гармоник диссекторларни ишлатиш, операция вақтида ва операциядан кейинги даврларда қон кетишларни олдини олиши кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўтказилган клиник тадқиқотлар, ўткир тошли холецистит (ЎТХ) ва унинг асоратлари билан келган беморларда замонавий инструментал текшириш усуллари кенг қўллаш натижасида СЖДК ни аниқлаш имконини бериши

кўрсатилган. СЖДК эрта аниқланиши операциядан олдинги тайёргарликни самарали олиб боришга имкон яратади. СЖДК фонида ривожланган ЎТХ ва унинг асоратлари ривожланган ҳолларда замонавий миниинвазив усулларни кенгроқ қўллаш ва травматик "очик" операцияларни камроқ ишлатиш, интраоперацион ва операциядан кейинги асоратларни ва ўлим кўрсаткичларини камайтириши кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объектлари сонининг етарлилиги, клиник, инструментал (УТТ, МРПХГ, ТЖЎПШ, ТЖЎПС, ФГДС, ЭРПХГ, ЭПСТ, ЛЭ), статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СЖДК фонида ривожланган ЎТХ ва унинг асоратлари ривожланган ҳолларда замонавий миниинвазив усулларни ишлатиш, интраоператив ва операциядан кейинги асоратларни камайтиришда замонавий асбоб анжомлардан фойдаланиш ва уларга кўрсатмалар аниқланганлиги, СЖДК да жигар функционал ҳолатини тиклаш мақсадида ишлатилган препаратлар Ремаксол ва Глутатионни комплекс даволашга киритиш ушбу беморларни даволашда сезиларли ижобий таъсир кўрсатганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти даволашнинг сезиларли фойдали таъсири даволанишдан 5-6 кун ўтгач қайд этилганлиги ва мақсадга мувофиқлиги кўрсатилганлиги, жигар циррози (ЖЦ) ва портал гипертензия фонида беморларда ЛХЭК да ультратовушли гармоник диссекторларни ишлатиш, операция вақтида ва операциядан кейинги даврларда қон кетишларни олдини олиши кўрсатилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали жигар диффуз касалликлари фонида ривожланган ўткир холециститнинг жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган натижалар асосида:

СЖДК касалликлари фонида ривожланган ўткир холециститли беморларни даволашда беморларнинг оғир контингентини даволашга кўмаклашган ва хавфли ҳамда патогенетик жиҳатдан асоссиз жарроҳлик аралашувлардан қочиш имконини берган “Жигар циррози билан касалланган беморларда лапароскопик холецистэктомия тактикасининг ўзига хослиги” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 9 мартдаги 23-т/001-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома СЖДК фонида ривожланган ўткир тошли холециститли беморларни даволашда унинг асоратлари механик сариклик (МС, чагараланган перитонит) ривожланган беморларда, операциядан олдинги комплекс тайёргарлик билан бир қаторда, ультратовуш

назорати остида декомпрессия аралашувлари ёрдамида икки босқичли даволаш тактикасини қўллаш орқали кечиктирилган тартибда операция қилиш, асоратлар ва ўлим ҳолатларини камайтириш имконини берган;

Сурункали жигар диффуз касалликлари фонида ривожланган ўткир холециститнинг жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган натижалар амалий соғлиқни сақлашга, хусусан, Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалиётига татбиқ этилган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 24 мартдаги 23-х/005 - сон маълумотномаси). Жорий этиш натижасида СЖДК фонида ЎТК билан оғриган беморларни даволашда асоратларни олдини олиш учун Ремаксол ва Глутатионни препаратларини комплекс даволашга киритиш, ўткир даврда чегараланган перитонит билан ўт йўллари ва ўт пуфагини декомпрессия қилиш учун миниинвазив усуллардан фойдаланиш, ётоқ кунлар сонини қисқартириш ва хавфли, патогенетик жиҳатдан асосиз жарроҳлик аралашувлардан қочиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг “**Диффуз жигар касалликлари бўлган беморларда ўткир тошли холециститнинг этиологияси, патогенези, диагностикаси ва даволашнинг ҳозирги ҳолати (адабиётлар шарҳи)**” деб номланган биринчи бобида СЖДК фонида ЎТХ ривожланиш этиологияси, патогенези, ташҳисоти ва даволаш масалалари ёритилган. Сурункали жигар диффуз касалликлари ва уларга сабаб бўлувчи омиллар батафсил баён этилган, шунингдек турли кўринишлардаги тошларнинг ҳосил бўлишининг сабаблари келтирилган.

Касалликни жарроҳлик даволаш усуллари ҳамда жарроҳликда қўлланиладиган замонавий технологиялар, касалликни такомиллаштирилган замонавий даволаш усулларида хисобланган миниинвазив даволаш усуллари, ўткир холециститни даволашда навигацион жарроҳликдан фойдаланишнинг хусусиятлари очиб берилган. Миниинвазив декомпрессия усулларида фойдаланиш ва жарроҳлик даволаш вақти учун аниқ кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги асосланган. Операциядан олдинги ва операциядан кейинги асоратларнинг олдини олиш муаммолари охиригача ҳал қилинмаганлиги келтирилган. Ушбу муаммони ҳал қилишда кўплаб саволлар мунозарали бўлиб, қолаётганлиги ва қўшимча тадқиқотларни талаб қилиши адабиётлар шарҳи маъумотлари асосида изоҳлаб берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи боби тадқиқотнинг материаллари ва усуллари бағишланган. Илмий иш Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти Хирургик касалликлар ва реанимация кафедраси клиник базасида (РШТЁИМ Бухоро филиали I-II шошилич жарроҳлик бўлимлари) бажарилган. Назорат гуруҳига 2015 йилдан 2019 йилгача клиникада ЎТХ сабабли даволанган 1120 касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинган бўлиб, 82 (7,3%) ЎТХ сурункали жигар диффуз касалликлари (СЖДК), шу жумладан сурункали гепатит (СГ) ва ЖЦ фонида кечган беморларда хирургик даволаш натижалари ўрганилган. Асосий гуруҳни 2019-2022 йиллар давомида қабул қилинган 1180 бемор ташкил этиб, улар ЎТХ билан ётқизилган ва оператив даво ўтказилган, шулардан 95 (8%) беморларда ЎТХ нинг СЖДК фонида ривожланган беморларда даволаш натижаларини яхшилаш мақсадида режалаштирилган текшириш ва даволаш (консерватив ва хирургик) усуллари ишлатилган.

I-назорат гуруҳига СЖДК фонида ривожланган ЎТХ бўлган 82 беморнинг жарроҳлик йўли билан даволанган касаллик тарихлари ретроспектив таҳлил қилинган, СЖДК фонида ривожланган интра ва операциядан кейинги асоратлар таҳлил қилиниб, беморларар стандарт консерватив даво ва анъанавий (традицион) оператив холецистэктомия (ТХЭК) ва ЛХЭК операциялари бажарилган.

II-асосий гуруҳда 95 беморларда юқорида кўрсатилган стандарт текшириш ва даво муолажаларига қўшимча равишда, кўрсатмаларга асосан МРПХГ, интраоперацион асоратлар олдини олиш мақсадида гепатопротекторлар ишлатилди, беморларнинг оғирлик даражасига кўра миниинвазив даволаш усуллари ва замонавий ультратовушли гармоник диссекторларидан фойдаланилди.

Анъанавий консерватив даволаш мақсадида инфузион, спазмолитик, оғрик қолдирувчи, антибактериал препаратлар ишлатилди.

–детоксикацион даволаш (глюкоза 10% + инсулин 1 г глюкоза курук моддаси учун 4 Ед, 0,9% физиологик эритма, трисол эритмалари ва бошқа физиологик эритмалар, каллоидлар) ҳажми камида - 2000 мл;

– профилактик мақсадда антибактериал восита (цефтриаксоннинг 1,0 грамм + 2,0%-2.0 мл лидокаин билан кунига 2 маҳал м/о) ишлатилади.

II - гуруҳда анъанавий консерватив даволаш усуллари билан бир қаторда Глутатион ва Ремаксол препаратлари ҳам ишлатилди. Операциядан кейинги беморларни даволашда Ремаксолнинг 400,0 мл миқдорида 6 кунлик вена ичига томчилатиб юбориш (инфузияларнинг умумий ҳажми 400,0 мл га камайтирилди) ва кунига 1 марта 1,2 – 2,4 г томир ичига Глутатион эритмаси секин томчилатиб юборилди.

Беморларга анамнез, клиник маълумотлар, лаборатория ва инструментал текшириш усуллари асосида ташхис қўйилди. Беморлар филиалга, тез ёрдам линияси орқали, поликлиникадан йўлланма орқали ёки шахсий автомашинасида мурожаат қилиб келган ва ётқизилган.

ЎТХ ташхислашнинг асосий усули-УТТ, ЭФГДС. Стандартга мувофиқ беморларда кўрсатма бўлганда МРПХГ бажарилган.

Дастлабки босқичда тадқиқот гуруҳлари турли хил клиник, лаборатор ва эндоскопик маълумотларга кўра таққосланди - ёши, жинси, қон босими, пульс, гемоглобин, қизил қон таначалари, мочевино, қондаги қанд миқдори, биокимёвий тестлар (билирубин, аланинтрансфераза (АЛТ), аспартаттрансфераза (АСТ), мочевино, креатинин, умумий оқсил ва альбумин), HBsAg, HBeAg, anti-HBe, anti-HBc-маркёрлари аниқланган.

I-гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши  $45,5 \pm 16,5$  ни, II-гуруҳда -  $52,5 \pm 17,2$  ёшни ташкил этди. Ўртача ёш бўйича учта кузатиш гуруҳи бир хил ёш кўрсаткичини ташкил этган, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар топилмади ( $p > 0,05$ ). Бошқа ёшдаги гуруҳларида (45-59 ёш, 60-89 ёш) асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқ йўқ ( $p > 0,05$ ).

Вирусли гепатитнинг асосий биокимёвий таҳлиллари ва улар билан боғлиқ маркёрларининг кўрсаткичлари (хусусан, HBV, HCV, HDV) аниқланган.

Текширилаётган барча беморларда УТТ текшируви ультратовушли сонография ва доплерография усулида “Sonoline Vera Pro” фирмаси “Siemens” (Германия) ва “Echo Camera SSD-680” фирмаси “Aloka” (Япония) 3,5 МГц.ли конвексли узатгич ёрдамида ўрганилган. Баъзи ҳолларда ЎТКнинг СЖДК фонида ривожланишида ва гепатобилиар соҳанинг бошқа касалликлари билан дифференциал ташхисотида магнит-резонансли томографияси (МРТ) “General Electric” (АҚШ) томонидан ишлаб чиқарилган учинчи авлод СТ-МАХ 640 қурилмасида ўтказилган.

Қизилўнғачнинг варикоз кенгайган томирлари бор йўқлигини, уларнинг кенгайиш даражасини аниқлаш учун беморларга фиброгастроуденоскопия ўтказилган (фиброгастроуденоскоп “ОЛИМПУС” компанияси, Япония). Қизилўнғач варикоз кенгайган веналарнинг кенгайиши кейинчалик Шерцингер А.Г. бўйича таснифланди. Бошида PENTAX-34К фибродуоденоскопи ишлатилган бўлса 2020 йилдан бошлаб Япониянинг «FUJINON» видеодуоденоскоп ишлатилган.

Тадқиқот натижаларини қайта ишлаш нисбий кўрсаткичларни, ўртача қийматларни аниқлаш билан статистик усуллар билан амалга оширилган: арифметик ўртача ( $M$ ) ўртача ( $m \pm$ ) ва медианаларнинг стандарт хатоси билан, 25 ва 75 фоизли, ишонч оралиғининг аҳамиятлилик даражаси интервал 0,05 бўлган. Т-мезонига кўра, асосий ва иккита назорат гуруҳидаги ўртача қийматлар ва нисбий кўрсаткичлардаги фарқларнинг статистик аҳамияти текширилган. Ишонч оралиғининг аҳамиятлилик даражаси 0,05 ( $p < 0,05$ ) ва 0,01 ( $p < 0,01$ ) дан кам бўлса, фарқлар аҳамиятли деб ҳисобланган. Вилкоксон тести ёрдамида (вариантлар сони 6 ёки ундан кўп бўлган ҳолда) кузатишнинг асосий ва назорат гуруҳларининг бир хиллиги текширилган. Параметрик бўлмаган Вилкоксон-Манн-Уитни тестидан фойдаланиб, ўзгарувчиларнинг қиёсий таҳлили ўтказилган. Кичкина намунадаги ўзгарувчилар орасидаги тасодифийлик ва унинг даражасини аниқлаш учун чизиқли корреляция коэффиценти ( $\rho$ ) ишлатилган.

Диссертациянинг **“Сурункали диффуз жигар касалликлари фонида кечаётган ўткир тошли холецистит (ЎТХ) билан касалланган беморларда жигар функционал ҳолатининг клиник ва биохимиявий хусусиятлари”** деб номланган учинчи боби фон касаллиги ҳисобланган сурункали жигар диффуз касалликларида беморларнинг клиник хусусиятларига, ЎТХда эндоскопик тадқиқот натижаларини баёнига ва ўткир тошли холецистит бўлган беморларнинг клиник хусусиятларининг натижаларига бағишланган. Сурункали жигар диффуз касалликлари билан биргаликда ўткир тошли холецистит ультратовуш текшируви натижаларига, беморларда жигардаги қон оқимини ўрганиш ҳамда диффуз жигар касалликлари фонида ЎТХ да магнит-резонанс томография натижаларининг батафсил баёни келтирилган.

Асосий гуруҳ бўлган 95 та СЖДК фонида ЎТХ билан касалланган беморлар кузатилган. Жигарнинг функционал ҳолатига кўра; Чайлд-Пью бўйича А синф - 51 ёки 53,7%, В синф - 30 ёки 35,6% ва С синф - 14 ёки 14,7% ни ташкил қилган.

Асосий гуруҳдаги беморлар анамнези тўлиқ йиғилганда шу маълум бўлганки: 95 (100%) бемордан 59 (62%) бемор илгари ўткир вирусли гепатитни (ЎВГ) бошдан кечирган, 20 (21,6%) бемор анамнезида қон компонентларини қуйиш, кичик жарроҳлик инвазив аралашувларни ўтказган, 16 (16,4%) кишида спиртли ичимликларни узоқ муддатли истеъмол қилганлиги маълум бўлган.

ЎТХнинг сурункали гепатит (СГ) фонида ривожланишида, қон таҳлиларида аминотрансферазаларнинг ўртача 3 мартагача ўсиши, билирубин кўрсаткичларининг етарлича ошиши ва жигарнинг оқсил синтезидаги диспротеинемия белгилари аниқланган. Жигар функциясининг бошқа кўрсаткичлари меъёрдан сезиларли даражада фарқ қилмаган.

Қизил қон таначаларининг умумий таҳлили ўтказилганда таҳлил натижалари қуйидагича бўлган, ЎТХ ли асосий гуруҳ беморларида СГ билан биргаликда қизил қон ва гемостаз кўрсаткичлари меъёрга яқинроқ бўлган (гемоглобин  $100,2 \pm 4,0$ ; эритроцитлар  $3,5 \pm 0,2$ ). ЖЦ фонида ЎТХ ривожланган

беморларда эса бу кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар юз берган. Шундай қилиб, бу беморларда эритроцитлар сони ( $2,8 \pm 10^{12}/л$ ) ва гемоглобин даражаси ( $93,4 \pm 3,0$  г/л) камайган. Ретроспектив (назорат) гуруҳининг касаллик тарихини таҳлил қилганда, қизил қон кўрсаткичларида бир хил ўзгаришлар аниқланган. Умумий қон кўрсаткичларида лейкоцитлар таҳлил қилинганда, лейкоцитоз томон силжиш қайд этилган, чунки ЎП да яллиғланиш жараёни ўсиши ва асоратларнинг юзага чиқиши сабаб бўлган, асосий гуруҳда  $8,5 \pm 0,5$  дан  $10,2 \pm 0,8$  гача ўсган, шунга ўхшаш кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги беморларда ҳам кузатилган. Жигар функцияси бузилган иккала гуруҳда ҳам тромбоцитопения кузатилган, бу клиник жиҳатдан теридаги қон талашлар ва кўкаришларнинг пайдо булиши билан намоён бўлган.

Назорат гуруҳидаги ЖЦ билан касалланган 50 бемордан, ЖЦ билан касалланган 3 беморда Чайлд – Пью “А” синфи, субкомпенсацияланган ЖЦ Чайлд – Пью “В” синфи 26 беморда ва ривожланган цирротик жараён билан декомпенсацияланган ЖЦ Чайльд Пью “С” билан касалланган 21 бемордан иборат бўлган.

Беморларда эпигастрал ва ўнг қовурға равоғи остидаги оғриқ белгилари иккала гуруҳда ҳам 100% ҳолларда содир бўлганлиги аниқланган, ҳолсизлик ва иштаҳанинг пасайиши - I ва II гуруҳларда - мос равишда 76(92,7%) ва 82 (86,3%); кўнгил айниши, қусиш ва диспепсия -78 (95%) ва 82 (86,3); сариклик-8 (9,7%) ва 15 (15,8%); тери қичиши ва сариклик 3 (3,6%) ва 3 (3,6%); ўнг қовурға равоғи ости мушакларидаги таранглик 28 (34%) ва 32 (33,6%) да қайд этилган; деструктив ўзгаришлар билан боғлиқ қорин парда яллиғланиш симптомлари 8 (9,7%) ва 12 (12,6%) да қайд этилган; ультратовуш текширувида 35 (42,7%) ва 65 (68,4%) да спленомегалия аниқланган; 56 (68,3%) ва 48 (50,5%) ҳолларда гепатомегалия аниқланган. Қолган умумий симптомлар кичик клиник хусусиятларга ва частотага эга бўлган.

Иккала гуруҳларда 7 (8,5%) ва 9 (9,5%) ҳолатларда беморларда тери юзасида қон талашлар аломатлари бўлганини таъкидлаш керак, бу СЖДК билан боғлиқ жигар функциясининг бузилишини кўрсатади. Анамнезидан жарроҳлик шифохонасига қабул қилинган беморларнинг 70 % дан ортиғи, жигар касалликлари борлигини инкор қилишган.

Назорат гуруҳи беморларининг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинганда 50 бемордан фақатгина 10 (20%) таси ЖЦ борлигини билган, 13 (26%) беморда ультратовуш текширишидан кейин операциядан олдинги даврда ЖЦ борлиги аниқланган ва 27 (56%) беморда ЖЦ борлиги операция пайтида аниқланган.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг касаллик анамнезидан маълум бўлганки, ЖЦ билан касалланган 51 беморнинг фақатгина 12 (23,5%) таси ЖЦ борлигини билишган, қолган беморларда ультратовуш текширувидан ташқари МРПХГ қилинганда 31 (61%) операциядан олдин ЖЦ ташхиси аниқланган ва фақат 8 (15,5%) тасида операция пайтида аниқланган.

Асосий гуруҳдаги беморларда ЖЦ аниқланиш даражасининг юқорилиги,

беморларда УТТ ташқари МРПХГ текширувининг кўшимча равишда бажарилганида аниқланган. Беморларнинг 22 (23%) тасида илгари ультратовуш текширувида кўринмаган, ўт йўлларида ўт тошлари борлиги ҳам аниқланган.

Белгиланган қон таҳлилларини баҳолашда: гемоглобин ва эритроцитлар даражасининг пасайиши ЖЦ бўлган беморларда жигар функционал бузилиши Чайлд-Пью “А” ва “В” синфларда кам ривожланган диспротеинемия борлиги, Чайлд-Пью “С” синфида бу кўрсаткичларнинг пасайиши янада яққол кўринган. Билирубин, трансаминазалар, диспротеинемия билан тимол пробаларининг ошиши, тромботест ва протромбин индексининг пасайиши аниқланган.

I ва II гуруҳлардаги беморларда УТТ ва МРПХГ текширишининг ўтказилиши ва хулосаси: гепатомегалияни мос равишда 28 ва 32 ҳолатда, спленомегалияни мос равишда 32 ва 52 беморларгача аниқлигини оширган. ФГДС – қизилўнгач веналари варикоз кенгайиши (ҚВВК) маълумотларига кўра, мос равишда 22 ва 28 беморда ташхисланган.

#### 1-жадвал

#### ЖЦ фонида ЎТХ бўлган беморларда клиник хусусиятлар ва асоратлар

ЎТХ нинг клиник шакллари ва унинг асоратлари	I-назорат гуруҳи (n=50)	II-асосий гуруҳ (n=51)
ЎТХ+ЖЦ	24 (48%)	28 (55%)
ЎТХ + СГ+МС	8 (16%)	12 (23%)
ЎТХ + ЖЦ + МС	7 (14%)	3 (6%)
ЎТХ + ЖЦ+МС + компенсация	5 (10%)	4 (8%)
ЎТХ+ЖЦ+декомпенсация+перитонит	6 (12%)	4 (8%)
Жами	50 (100%)	51 (100%)

*Изоҳ: жадвалда меъёрга нисбатан шончли маълумотлар кўрсатилган - (P < 0.05)*

ЖЦ фонида ЎТХ ривожланган беморларнинг клиник хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган. Жадвалда ЎТХ нинг СГ фонида кечиши ва асоратларсиз кечиши маълумотлари ушбу жадвалга киритилмаган.

Назорат гуруҳидаги беморларнинг барчаси 50 (100%) кенг қамровли ультратовуш текширувидан ўтказилган, унда барча беморларда ЎТХнинг белгилари мавжудлиги, турли ўлчамдаги битта ва кўп ўт тошлари борлиги, ўт пуфаги (ЎП) деворларининг қалинлашиши, контурларининг иккиланиши, атрофида суюқлик тўпланиши, ЎП ичида қуюқ ўт ва йиринг мавжудлиги, аниқланган.

УТТ натижасига кўра жигарнинг катталашганлигини ушбу гуруҳнинг 10 (20%) беморларида аниқланган (ўнг бўлак 15,3±0,5 см, чап бўлак 8,2±0,5см) ва хулосада қайд этилган. Спленомегалия 10 беморда аниқланган. Шунингдек, МС бўлган 15 бемордан, атиги 5 (10%) ҳолатда гепатикохоledохнинг кенгайиши ва унда ўт тошлари борлиги, жигар ичи каналлари

кенгаймаганлиги аниқланган.

Ушбу гуруҳ беморларининг 19 (37%) тасида терида ва кўринадиган шиллик пардаларда склеранинг сариқлиги кузатилган. Тери қичиши 3 ҳолатда кузатилган.

Асосий гуруҳнинг 51 (100%) нафар барча беморларда ЎТХ ультратовуш текширишда клиник перитонит ҳолати, жигар ости соҳасида суюқлик йиғилиши, ЎП деворининг қалинлашиши, иккиланиши ва ичида кўплаб ҳар хил ҳажмдаги тошлар борлигини кўрсатган. Ушбу гуруҳда ЎТХ+ЖЦ+МС+декомпенсацияси бўлган 4 (8%) бемор ва ЎТХ+ЖЦ+декомпенсацияси+чегараланган перитонит билан касалланган 4 (8%) бемор энг оғир касалларни ташкил этган. Беморлар ҳолатининг оғирлиги ЎТХ нинг асосий касаллиги белгилари ва жигар етишмовчилигининг ривожланиши, МС ва ЖЦ мавжудлиги билан боғлиқ бўлган.

Агар назорат гуруҳида 10 (20%) бемор қабул пайтида ЖЦ борлигини билган бўлса, ультратовуш текширувидан сўнг 13 (26%) ва жарроҳлик пайтида ЖЦ 27 (56%) ҳолатда аниқланган.

Асосий гуруҳдаги беморларда МРПХГ текшируви қуйидаги натижаларни берган. Асосий гуруҳда 12 (23,5%) бемор ЖЦ борлигидан хабардор бўлган, операциядан олдин текширишлар давомида 31 (61%) беморда ЖЦ аниқланган, бу беморларнинг назорат гуруҳига қараганда 3 баравар кўп ва 8 (15,5%) беморда ЖЦ ташҳиси операция давомида беморлар аниқланган.

Шундай қилиб, ЖЦ фонида ЎТХ билан оғриган беморларда жигар паренхимасининг ҳолатини, гепатикохоледох ва жигар ичидаги ўт йўлларида ўт тошлари мавжудлигини ташҳислашда ультратовушни қўллаш етарли эмас деб ҳисобланган. Асосий гуруҳдаги беморларда МРПХГ дан фойдаланганда 19 (37%) беморда холедохолитиаз аниқланган, назорат гуруҳида эса 5 (10%) беморда. Шунингдек, асосий гуруҳда ультратовуш текшируви бўйича гепатомегалия 12 (23,5%), МРПХГ 32 (62,7%), спленомегалия 10 (20%) беморда ва МРПХГ дан кейин 51 (100%) тасида аниқланган.

Асосий гуруҳнинг барча беморларига ЭФГДС амалиёти бажарилган. Беморларнинг назорат гуруҳида, ушбу тадқиқотларни режалаштирмаганлиги сабабли, фақат 5 (10%) беморда ЭФГДС қилинган.

Шундай қилиб, 3 (5,8%) ҳолатда беморларда I даражали қизилўнгач варикоз кенгайган томирлари (1-2 мм), II - даражали қизилўнгач варикоз кенгайган томирлари билан 28 (55%) беморда (диаметри 2 дан 5 мм гача) ва 20 (39,2%) III- даражали қизилўнгач варикоз кенгайган томирлари билан касалланган беморлар (диаметри 5 мм дан ортиқ) аниқланган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Асосий гуруҳда ЖЦ фонида ривожланган ЎТХ билан касалланган беморларда ҚВВК ни А.Г.Шерцингер бўйича тақсимланиши

ҚВВК даражаси	Беморларнинг сони	%
I-даража	3	5,8

II-даража	28	55
III-даража	20	39,2
Жами	51	100

СЖДК фонида ривожланган ЎТХ ли беморларни ўрганишда, назорат гуруҳи (n=82) ва асосий гуруҳнинг (n=95) барча беморларида кенг қамровли ультратовуш текширишлари амалга оширилган. УТТ да тош борлигини ва ўт пуфаги ичида, шунингдек жигардан ташқари ўт йўллари борлигини аниқлаш имконини берган.

Ультратовуш текшириш, тери сариқлиги бўлган беморларнинг 19 (37%) тасида фақат 7 (36,8%) беморда холедохолитиаз борлигини ва жигар ичи ўт йўлларининг сезиларли кенгайишини кўрсатган. Қолган беморларда жигар ичи ўт йўллари кенгаймаганлиги сабаб, жигар паренхимасининг цирротик ўзгариш борлиги билан боғлиқ деган маънони англаган.

Асосий гуруҳда ЎТХ+ЖЦ+МС+декомпенсацияси бўлган 4(8%) бемор ва ЎТХ+ЖЦ+декомпенсацияси + чегараланган перитонит билан асоратланган 4 (8%) бемор энг оғир касаллар алоҳида эътиборни қаратган. Ушбу беморларнинг УТТ кўплаб тошлар, деворининг қалинлиги, девор атрофида суюқликнинг тўпланиши кўрсатилган.

Иккала гуруҳдаги 177 беморнинг 76 (43%) тасида СГ нинг УТТ да эхо кўриниши аниқланган. Шу билан бирга беморларда, жигар паренхимасининг тузилиши бир хил эмас ва яққол ривожланган ёки камроқ ривожланган яллиғланиш ўчоқлари ва паренхиманинг ўзгармаган жойлари билан алмашилиб туради, ўртача ва яққол ривожланган эхогенлик жойлари аниқланган.

Шундай қилиб, ЖЦ фонида ЎТХ билан оғриган беморларда жигар паренхимасининг ҳолатини, гепатикохоledох ва жигар ичи ўт йўлларидаги ўт тошлари мавжудлигини ташхислашда ультратовушни қўллаш етарли эмас деб ҳисобланган.

Диссертациянинг **“Ўткир тошли холецистит жигарнинг сурункали диффуз касалликлари фонида келганда жарроҳлик даволаш”** деб номланган тўртинчи боби операциядан олдинги тайёргарлик мақсадида Ремаксол ва Глутатион препаратларини ишлатиш ёрдамида СЖДК билан ЎТХ бўлган беморларда операция асоратларни олдини олиш тамойилларига, СЖДК фонида ривожланган ЎТХни асоратларига ва жигарнинг функционал ҳолатига кўра жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларига бағишланган.

Ремаксол кунига бир марта 400 мл томирга дақиқада 70-80 томчи миқдорида қабул қилинади. Глутатион 1,2-2,4 г да 0,9% физиологик эритмада вена ичига томчилатиб 5-7 кун давомида юборилган.

Олинган маълумотларда, операциядан кейинги 3 кун давомида билирубин кўрсаткичларида 2 гуруҳда ҳам сезиларли пасайишлар кузатилмаган. Фақатгина 5-чи кунга келиб назорат гуруҳида билирубин кўрсаткичлари ўртача 53,0 мкмоль/л га тушган бўлса, асосий гуруҳда ўртача 14,0 мкмоль/л гача пасайган.

Иккинчи гуруҳда АЛТ фаоллиги Ремаксол ва Глутатион ишлатилиш фонида операциягача  $162.2 \pm 12.3$ , операциядан кейинги 5 кун ичида  $78 \pm 7.8$  ва меъёрий кўрсаткичларга нисбатан 19,5% га баланд бўлган. Жарроҳликдан бир кун ўтгач, у меъёрдан 40,5% га ошган. Операциядан 2-3 кундан сўнг пасайиши қайд этилган. Меъёрга нисбатан кўриб чиқилганда, 5-6 суткаларга келиб назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда пасайиш қарийб 2 бараварга камайган.

Назорат гуруҳида операциягача АСТ фаоллиги меъёрга нисбатан қарийб 4 баравар, асосий гуруҳда эса 3 баравар юқорилиги кўринган. Даволанишнинг 5-6-чи кунларида назорат гуруҳида АСТ меъёрга нисбатан камайган ва 17,5% ни, асосий гуруҳда нисбатан – 12,5% ни ташкил этган. Мутлақ сонларда, назорат гуруҳида  $145,2 \pm 8.3$  дан  $70 \pm 4,2$  гача, асосий гуруҳда эса  $135,3 \pm 8,3$  дан  $50 \pm 4,1$  гача пасайиш кузатилган.

Назорат гуруҳида мочевина кўрсаткичлари  $12 \pm 1,8$  дан  $8 \pm 0,7$  ммол/л гача ва асосий гуруҳда  $12 \pm 1,8$  дан  $5 \pm 0,53$  ммол/л гача пасайди. Асосий гуруҳда даволанишнинг 5-чи кунига келиб меъёрий даражаларга келган.

Назорат гуруҳидаги супероксиддисмутаза (СОД) ферменти даражаси  $8,4 \pm 0,3$  дан  $6,2 \pm 0,2$ , 5-чи кунга келиб консерватив даводан сўнг унинг кўрсаткичлари  $10,4 \pm 0,4$  гача кўтарилган. Асосий гуруҳда эса Ремаксол ва Глутатион фонида  $8,2 \pm 0,3$  дан  $5,9 \pm 0,2$  гача, 5-чи кунга келиб  $15 \pm 0,3$  ни ташкил қилган, бу меъёрда 11,4% дан паст лекин, назорат гуруҳидаги кўрсаткичларда 66% баланд бўлган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### ЎТХ нинг ЖЦ фонда кечишида Ремаксол ва Глутатион препаратлари ишлатилганда операциядан кейинги даврда липопроteid оксидланиш (ЛПО) га таъсири ва антиоксидант химоя кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n= 20)		Асосий гуруҳ билан (Ремаксол ва Глутатион) (n=20)	
	Даволашдан Олдин	Даволашдан сўнг	Даволашдан Олдин	Даволашдан сўнг
Маландиальдегид (МДА) ммол / л	$5.1 \pm 0.07$ дан $6.3 \pm 0.05$ гача	$4.1 \pm 0.1$	$5.3 \pm 0.06$ учун $6.1 \pm 0.07$ гача	$3.20 \pm 0.05$
СОД анъ/бирлик	$8.4 \pm 0.3$ учун $6.2 \pm 0.2$ гача	$10.4 \pm 0.4$	$8.2 \pm 0.3$ учун $5.9 \pm 0.2$ гача	$15.6 \pm 0.3$

Изоҳ: жадвалда меъёрга нисбатан ишончли маълумотлар кўрсатилган - ( $P < 0.05$ )

